

мүнәсебетине бағышланған салтанатлы мәжилистеги баянаты. 2013-жыл 6-декабрь.» /«Еркин Қарақалпақстан», 20130 7-декабрь.

3. Ишмухаммедов Р. Инновацион технологиялар жәрдемінде тәлим нәтийжелилигин арттырыў жоллары. - Т.: Низамий атындағы ТДПУ, 2009.

4. Гора П.В. Методические проблемы и средства наглядного обучения истории в средней школе. -М.: 1971.

РЕЗЮМЕ

Мақолада тарихий манбалардан дарсда самарали фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган. Тарихий манбаларнинг турлари, қўллаш усуллари таҳлил қилинади. Дарс сифати ва самарадорлигини оширишда тарихий манбаларнинг ижобий таъсири алоҳида таъкидланади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы эффективного использования исторических источников. Дается анализ видам, методам использования исторических источников. Особо подчеркивается положительное влияние исторических источников в повышении качества и эффективности урока.

SUMMARY

The article is devoted to the study of issues of effective using of historical sources. There is an analysis of the methods of using historical sources. The author emphasizes the positive influence of historical sources in increasing the quality and outcome of the lesson.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ МОДЕЛЛАРИ

Л.Х.Бектурсынова - тадқиқотчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: талаба, билиш, ўқув фаолияти, бошқариш, модел, консультант, тьютор, модератор, фасилитатор.

Ключевые слова: студент, учебная деятельность, управление, модель, консультант, тьютор, модератор, фасилитатор.

Key words: student, learning activity, management, model, consultant, tutor, moderator, facilitator.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3775-сон Қарорида янги ғоя ва ташаббусларни шакллантириш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасасида “Ёш экспертлар гуруҳи”ни ташкил этиш, ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташкил этиш, асосий эътиборни талабаларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратиш алоҳида вазифа сифатида белгиланди. Мазкур вазифаларни бажариш учун талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини самарали бошқариш ва ўқув фаолияти натижаларини ўз вақтида мониторинг қилиб боришни тақозо этади.

Маълумки, ўқув фаолияти ҳар доим ўзида уч: ҳиссий-йўналтирилган, жараёنли, назорат-баҳолавчи бўғинни қамраб олади. Шунга мувофиқ, ўқув фаолиятида қуйидаги асосий таркибий қисмлар аниқланади: мотивлар ва ўқув вазифалари, ўқув ҳаракатлари, талабаларнинг ҳаракатларини назорат қилиш ва баҳолаш. Тўлиқ маънода ўқув фаолияти ҳар доим ушбу барча таркибий қисмларнинг бирлиги ва ўзаро бир-бирига ўтишидир. В.В.Давыдов, И.Ломпшер, А.К.Маркованинг таъкидлашича, ўқув фаолияти бу фақатгина билим, кўникма ва малакаларни егаллашгина эмас. Фаол ўқув фаолиятининг ўзига хослиги шундаки, у таълим олувчи шахси, унинг онги, унинг ақлий ва ахлокий ривожланишида муҳим ўзгаришларга олиб келади, ёш билан боғлиқ янги психологик ўзгаришлар содир бўлади [2:72].

Е.Н.Кабанов-Меллер ўқув фаолиятининг икки томонини белгилайди: фикрлаш (мазмунли-мантикий жиҳат) ва кузатиш, тасаввурлардан фойдаланиш (ҳиссий-эмоционал жиҳат). Унинг фикрича, ўқув фаолияти таълим олувчиларга бериладиган ўқув вазифаларини ҳал этишни ўзида акс эттиради [3,4].

Н.А.Менчинская билиш фаолиятининг асосий тури сифатида билимларни ўзлаштириш қонуниятини ишлаб чиқди; инсон фаолиятида ўқитишнинг аҳамиятини аниқлади; асосий фаолият тури сифатида белгилади, шунинг учун унинг мазмуни ва функцияларини аниқлади [4].

Талабанинг фаол фаолияти сифатида ўрганиш қонуниятлари муаммоси билан шуғулланган М.Я.Алексеевнинг таъкидлашича, билимларни

ўзлаштириш кўплаб психик жараёнлар (идрок, хотира, фикрлаш), талабанинг атроф-оламни билишга муносабати, бундан ташқари унинг шахсий сифатлари (ҳиссий, ирода, интеллект)га хосликни ўз ичига қамраб олувчи мураккаб билиш фаолиятидир [5].

Н.Ф.Талызина билиш фаолиятини икки турга ажратади: умумий ва хусусий. Билиш фаолиятининг умумий турларига ўзининг фаолиятини режалаштириш, унинг бажарилишини назорат қила олиш, мантикий фикрлашнинг барча усуллари (таққослаш, исботлаш усуллари, тасниф қилиш ва бошқалар) билан тегишли турли соҳаларга оид билимлар билан ишлашда фойдаланилади. Билиш фаолиятининг махсус турларига Н.Ф.Талызина фақат мазкур соҳага оид билимларда қўлланиладиганларини киритади [6].

Билиш фаолияти ҳақидаги психологик адабиётларни таҳлил қилиш натижасида шундай хулосага келиш мумкин: талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш ижтимоий-гуманитар, аниқ ва табиий-илмий, умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида амалга ошади ва касбий шаклланиш учун зарурий шарт-шароит яратилади.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш муаммоси ҳамма вақт педагогикада долзарб муаммо бўлиб келган. Машҳур дидактлар И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткин ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари: билимларни ўзлаштириш, билиш методлари, амалий фаолият, таълим жараёнида талабаларни тарбиялаш тарзидаги ўқитиш методларини ишлаб чиқишган [7:115-127]. Улар талабалардаги мустақил ҳаракатланиш билан боғлиқликда билиш фаолиятига кўра таълим методларини тасниф этишган: ахборот-тушунтиришли, репродуктив, муаммоли баён қилиш, қисман изланиш ёки эвристик, тадқиқотчилик.

Маълумки, ўқув жараёни модели ўзида уч таркибий қисмни акс эттиради: ўқитувчи фаолияти, талаба фаолияти ҳамда ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг жадал ўзаро фаолияти. Ўқитувчининг талабалар билан ўзаро ҳаракатини конструктив педагогика нуқтаи назаридан қатор белгиларига кўра тасниф этиш мумкин: йўналганлигига кўра (қайта алоқалар билан ёки қайта алоқаларсиз); ахборот жараёнининг турига кўра (ўзаро ҳаракатни ташкил этишда ахборот жараёнининг йўналганлик даражаси); бошқариш ва ахборотларни узатиш воситалари турига кўра. М.Я.Алексеева мазкур уч белги асосида ўзаро ҳаракатнинг саккиз тизимини аниқлади. Ўқув жараёнига қуйилаётган замонавий талаблар ўзаро ҳаракатлар тизимидан монотизим сифатида эмас,

аралаш (комбинацион) қисмлар сифатида фойдаланишни талаб этади [5].

Бундан ташқари талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқаришда мазкур жараён субъектига мақсадга қаратилган таъсир кўрсатиши амалга ошадиган педагогнинг ташкилий-бошқарувли фаолияти муҳим аҳамиятга эга. У ўзида ўқув жараёнини ташкил этишнинг тўртта асосий шаклини қамраб олади: индивидуал, ривожланиб боровчи жуфтликларга ажратиш, оммавий-гурухли, индивидуал (мустақил иш) [9:137].

Юқорида кўриб ўтганимиздек, психологларнинг билиш фаоллигини оширишга доир таснифида билимларни ўзлаштириш жараёнида турли даражадаги фаоллик намоён этишининг гувоҳи бўлдиқ. Ана шу сабабли, талабаларга билимларни сушт равишда қабул қилади каби нуқтаи назардан қараш тўғри бўлмайди. Мазкур фикримизни Е.В.Коротаеванинг билиш фаоллигига ўзига хос ёндашуви тўла тасдиқлайди. У билиш фаолиятига қуйидагича ёндашиш зарурлигини кўрсатиб ўтади: ўқув фаолиятининг инкор этилмаган тавсифи асосида унга муносабат ўзгарадиган билишнинг қуйи даражаси; қуйидан мўътадиллашган босқичга ўтиш сифатидаги вазиятли фаолият; ўқув жараёнида ижро этувчилик фаолияти; талабанинг субъектив нуқтаи назарини максимал даражада очишга имкон берувчи ижодийлик [8:46-47].

Талабаларнинг ўқув жараёнидаги иштироки ва фаоллигининг намоён бўлиши – бу ривожланиб боровчи, ўзгарувчан жараён. Профессор-ўқитувчи ёрдамида талабаларнинг билиш фаоллиги қуйи даражадан вазиятли-фаолликка, ундан фаол ижрочиликка ўтиб боради. Кўп жиҳатдан талабанинг билиш фаоллиги ижодийлик даражасига кўтарилиши ёки кўтарилмасдан қолиши профессор-ўқитувчига боғлиқ.

Ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлаш нуқтаи назаридан замонавий таълим жараёнини кўриб чиқиш асосида Е.В.Коротаева талабаларнинг роллар орқали намоён бўлишини қуйидагича белгилаб беради: ўқув жараёни билан дастлаб танишишда томошабин, кузатувчи; гуруҳли фаолиятнинг иштирокчиси; намуна бўйича уй вазифасини мустақил бажаргандан сўнг фаолият эгаси; фаолиятнинг шахсий намунасини яратишда фаолият эгаси + фикр эгаси; ўз фаолияти натижасида юзага келадиган ўз-ўзининг фаолияти эгаси [8:29-31].

Б.Б.Маъмуровнинг фикрича, ўзининг тадқиқот-чилик, ижодкорлик қирраларини намоён қила оладиган ўқитувчилар шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёнида бир қатор муҳим вазифаларни бажара олишлари керак. Жумладан: ўқитувчилар шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёнининг барча босқичларида таълим олувчининг шахсий ривожланишини таҳлил қила олишлари; шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёнида таълим олувчининг узлуксиз ривожланиши учун қулай имконият яратадиган ўқув мақсадлари, таълим мазмуни, педагогик воситаларнинг ифодаланиши; таълим мазмунига ўқитувчининг ўзи томонидан қиритилган элементларни илмий-педагогик жиҳатдан асослаб бера олиши; илгор педагогик технология элементларини қўллаш натижасида ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятидагини камчиликларини тузата олиши кабилар [10:29-31].

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш ўқитувчининг маслаҳатчи, тьютор, модератор ва фасилитаторлик моделлари билан бевосита боғлиқдир.

Интерфаол таълим шароитида ўқитувчининг маслаҳатчилик ролига алоҳида эҳтиёж туғилади. Маслаҳат бериш муаммони ҳал этиш ва талаба

фаолиятида ижобий ўзгаришлар қиритишга йўналтирилган ўқитувчи-маслаҳатчи ва талабаларнинг алоҳида тарзда ташкил этилган ўзаро биргаликдаги ҳаракатидир.

Педагогика назарияси ва амалиётида маслаҳатчиликка доир фаолиятнинг бир нечта турлари таклиф этилган: эксперт, лойиҳа раҳбари ва ташкилотчи моделлари фарқланади.

Мазкур моделнинг моҳияти ўқитувчининг ўқув материални анъанавий тарзда баён этишини эмас, аксинча таълим бериш функцияси реал ва масофавий тарзда уни ўзлаштириш бўйича зарурий маслаҳат бериб боришни назарда тутати. Маслаҳат бериш маълум бир аниқ ўқув муаммосини ҳал этишга қаратилади. Мазкур жараёнда маслаҳатчи талабага ўқув муаммосининг аниқ ечимини ёки уни ҳал этишга доир фаолият усулларини таклиф этиши мумкин. Ушбу ўқитиш моделида ўқитувчининг асосий мақсади талабани ўқув материални мустақил ўзлаштиришга ўргатишдан иборатдир.

Ўқитувчининг тьюторлик фаолияти деганда талабаларнинг индивидуал ишига умумий раҳбарлик қилиш тушунилади. Тьюторлик қуйидаги тамойиллар асосига қурилади: талаба шахсига индивидуал ёндашиш; ўқув жараёнини ташкил этишга ёрдамлашиш.

Тьюторлиқнинг замонавий талқини қуйидаги жиҳатларда ўз ифодасини топади: таълимда субъективлик муаммосини ҳал этишнинг самарали йўли. Яъни ўқитувчи ўқув муаммоларини ҳал этишда талабанинг мустақиллиги ва ўз-ўзини ривожлантиришига эришиш; талабанинг таълим дастурларини ўзлаштиришга ҳамроҳлик қилиш (тайёр материалларни бериш эмас, талаба билан биргаликда ҳамкорликда ҳаракатланиш); талаба шахсининг ҳар томонлама камол топиши, унинг шахсий ва ўқув фаолиятига доир муаммоларини ҳал этишга қўмаклашиш. Гарчи тьюторлик маслаҳатчилик фаолиятига ўхшаш бўлсада, ундан фарқи равишда синфда ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ҳар бир талабанинг билишга қизиқиши, хоҳиш-истаклари, эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, замонавий коммуни-кация технологияларидан фойдаланишни талаб этади.

“Модерация” тушунчаси италянча сўздан олинган бўлиб, “moderate” – “юмшатиш”, “тийиб туриш”, “мўътадиллик”, “қўлга олиш” маъноларини билдиради. Замонавий шароитда модерация деганда гуруҳларда ташкил этиладиган биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолият (коллорабация)нинг мақсадга қаратилган ва тизимли ташкил этиш техникаси тушунилади. Модерациянинг асосида гуруҳий фаолиятни ташкил этишга ёрдам берувчи усуллардан фойдаланиш ҳамда яхлитликда гуруҳ ва унинг ҳар бир аъзосининг салоҳиятини амалга ошириш ҳисобига таълим олувчиларнинг зарурий қарор қабул қилишига имкон бериш ётади.

Модерацияни ташкил этиш қатор шарт-шароитларга риоя этишни талаб этади: ҳамкорликда ўқитиш учун гуруҳ аъзоларининг сони 4-12 кишидан иборат бўлиши; модераторнинг бетарафлик позициясида туриши; иштирокчиларнинг эркин ҳаракат қилишларига ҳалақит қилмаслик; кўргазмалы материалларнинг намоёйиш қилиш учун жиҳозларнинг мавжудлиги; қайта алоканинг йўлга қўйилиши.

Модератор фаолияти мазмуни ўқитувчининг анъанавий ролдан фарқ қилади. Модерация вазияти ўқитувчининг доска олдида туриб, монологик тарзда материални баён қилишини талаб этмайди, аксинча асосий эътибор таълим олувчиларга қаратилади. Модерация жараёнида гуруҳларда ишлаш орқали биргаликда ўқитиш ва талабаларнинг ўз-ўзини

ривожлантириш-ларига эришилади. Модераторнинг масъулияти гуруҳларда ишлашни олдиндан ўйланган тартибда ташкил этиши, ҳамкорликда ўқитиш жараёнида қўлланиладиган технологияларни тўғри танлай олиши ва ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни самарали ҳал этишга кўмаклашишда намоён бўлади. Модератор ўзлаштирилаётган материалнинг мазмунига эмас, жараёни бошқаришга раҳбарлик қилади. Ана шу сабабли модератор ижтимоий алоқаларни осон йўлга қўйиш, гуруҳлардаги ижтимоий ролларни тўғри тақсимлаш, гуруҳий динамикани тушуниш, шахслараро ўзаро биргаликдаги ҳаракатни бошқариш каби юқори даражадаги компетенция-ларга эга бўлиши талаб этилади.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини самарали бошқариш фасилитаторлик фаолиятининг муваффақиятли ташкил этишига ҳам бевосита боғлиқдир.

Фасилитатор – дарс самарадорлигини ошириш мақсадида гуруҳларда гуруҳ ишини ташкил этувчи, олиб боровчи шахс. Машғулотда регламент, норма ва машғулот учун қулай шароит яратувчи. Фасилитатор гуруҳда ишни ташкил этиш, уни амалга ошириш жараёнининг самарадорлигини таъминлайди. Фасилитаторнинг вазифаларига қуйидагилар қиради: муҳокамани ўтказиш жараёнида вақтга риоя этиш; талабаларга баҳоловчи ва йўналтирувчи саволлар бериш орқали муҳокама қилинаётган мавзу доирасидан четлашмасликка ёрдам бериш; талабаларнинг бир-бирларининг фикр-мулоҳазаларини тинглашларига эришиш; фаол мулоқот муҳитини яратиш; муаммони

асосли тарзда баён этиш; хулосалаш; далиллар келтириш.

Тажрибали фасилитатор ўқитувчи талабаларга адолатли муносабатда бўлади ва барча талабалар ўртасида муросасозликни ўрнатади. Педагог-фасилитатор ижодкор шахс сифатида толерантлик, конгруэнтлик, конструктивлик, рефлексивлик фазилатларини ўзида мужассам этади.

Мазкур талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш моделларини самарали қўллаш асосида:

талабаларни ўқишга, ўқув фаолияти усулларини эгаллашга ўргатиш: таълимга қадриятли муносабатни шакллантириш, турли ахборот манбаларидан фойдаланиш қобилиятини ривожлантириш, билиш фаоллигининг самарали усулларидан фойдаланишга ўргатиш; ўзи ўрганаётганларининг маъно-мазмунини тушуниб етишига ёрдам бериш лозим;

талабанинг билиш фаоллигини оширишга доир таълим технологияларини самарали қўллаш бир пайтнинг ўзида бир нечта вазифаларни ҳал этишга имкон беради: талабалар билиш фаолиятининг жараёни ва ташкилий томонларини такомиллаштириш ҳамда ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш. Таълим технологиялари ўқувчиларнинг турли усуллар ёрдамида билиш фаоллигини ошириш орқали мустақил фикрлашни шакллантириш муаммосини ҳал этишни тақлиф этади;

талабалар билиш фаоллигининг намоён бўлиши – бу ривожланиб боровчи, ўзгарувчан жараён. Билиш фаоллигининг ижодий фаоллик даражасига кўтарилиши талабаларнинг аналитик тафаккурини ривожлантириш имконини беради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3775-сон Қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.06.2018, 07/18/3775/1313-сон.
2. Давыдов В.В. Теория развивающего обучения. - М.: «Интор», 1996.
3. Кабанова-Меллер Е.Н. Формирование приемов умственной деятельности и умственного развитие учащихся. - М.: 1998.
4. Менчинская Н.А. Проблемы учения и умственного развития школьников: Избранные психологические труды. - М.: 1999.
5. Талызина Н.Ф. Формирование познавательной деятельности учащихся. - М.: 2003.
6. Лернер И.Я. Развитие мышления учащихся в процессе обучения истории: Пособие для учителей. - М.: 2009.
7. Коротчаева Е.В. Обучающие технологии в познавательной деятельности школьников. -М.: 2003.
8. Борзова Л.П. Дидактические игры как одна из форм организации познавательной деятельности учащихся при изучении материала на уроках истории (на материале истории России XIX в). Дисс. ...канд.пед. навк. -М.: 2000.
9. Маъмуров Б. Ўқувчи шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари. Пед.фан.ном. ... дисс. -Т.: 2009.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш моделларининг педагогик-психологик хусусиятлари, ташкил этиш босқичлари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются этапы и педагогико-психологические особенности моделей управления учебно-познавательной деятельностью студентов.

SUMMARY

In the article there have been analyzed the stages and pedagogical-psychologic peculiarities of the models of managing students' learning cognitive activity.

КИШИ ЖАСТАҒЫ МЕКТЕП ОҚЫҒЫШЫЛАРЫН МИЙНЕТКЕ ҚӘЛИПЛЕСТИРҮШҮ МАШҚАЛАЛАРЫ

Э.Даўлетмуратова - ассистент оқытыушы

М.Маткаримова - ассистент оқытыушы

М.Оңғарбаева - талаба

Әжсинияз атындағы Нөкіс мәмлкетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: меҳнат, таълим-тарбия, бошланғич синф ўқувчилари, бола руҳияти, қизиқишлари, ўқитувчи маҳорати.

Ключевые слова: труд, образование и воспитание, ученики начального класса, психология детей, увлечение детей, мастерство учителя.

Key words: work, education and upbringing, primary pupils, psychology of children, infatuation for children, teachers skill.

Тәрбия процесинен мәлим, мийнеттин ақыл хәм физикалық түрлери оқығшылардың эстетикалық жақтан раўажланыўына салмақты тәсир тийгизеди. Бул мийнет түриниң бала тәрпинен ислениў процесини арқалы, мийнеттин мазмуны, мийнеттин нәтийжеси хәм мийнетке қатнасы нәтийжесинде жүзеге келеди. Себеби, адамдағы қәсийетлер-мийнет барысындағы жәмийетлик қатнаслар жыйнағы хәм ол тарийхый

раўажланыўдың жемиси. Адам-жәмийет ағзасы. Мийнет арқалы болып өтетұғын жәмийетлик қатнаслар характери адамның пәзийлетлерин белгилеп береді. Адамның камалға ерисиўинде тәбият пенен жәмийет бир-бирине карама-қарсы келмейди, ал, булар инсан мийнети арқалы өз ара бекем байланыста болады. Мине, усы заңлылық адамның камалға келиўинде айрықша тәсирге ийе. Жеке адам-жәмийетлик турмыс